

3-Мавзу. Туризмнинг иқтисодий аҳамиятини оширишда туроператорларнинг ўрни

Режа

1.Туризм ҳақида тушунча ва унинг иқтисодий моҳияти

**2.Халқаро туризм бозорининг шаклланиши босқичлари ва унда
туроператорларнинг аҳамияти**

**3. Туроператорлар ишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларни ҳал
этиш йўллари**

**4. Замонавий туризм индустрияси таркибининг ўзгаришига
туроператорларни тайёрлаш**

1. Туризм ҳақида тушунча ва унинг иқтисодий моҳияти

Туризм саёҳатнинг хусусий ҳолати сифатида узига хос аниқ чекланишлар, тавсифномаси ва куплаб таърифларга эга.


Саёҳатдан фарқлироқ туризм категорияси купроқ иқтисодиёт таъсиридадир ва келиб чиқиши жihatдан икки қиррали ҳисобланади.

Туризм –бу аниқ оммавий саёҳат туридир ва шу билан бирга саёҳатларни амалга оширадиган ва ташкил этадиган соҳадир.

Туризмнинг умумий таърифини келтириб, уни ташкил этувчи элементларнинг кенг тавсифини берамиз.

Туризм – бу одамларнинг буш вақтларида уз доимий турар жойларидан бошқа мамлакат ёки уз мамлакатлари ичида таъссурут ва дам олиш, соғликни тиклаш, меҳмондорчилик, билим олиш ёки касбий амалий мақсадларида саёҳат қилишлари, лекин борган жойларида пул билан рағбатлантириладиган иш билан шугулланмайдилар.

Туризмнинг ташкил этилиши ва хизмат кўрсатиш даражаси жихатидан булиниши



Замонавий, ҳар томонлама пухта ишланган режа асосида туризмнинг янги босқичини дунёда биринчи бўлиб асли дурадгор Буюк Британиялик Томас Кук 1841 йилда бошлаб берди. Томас Кук олдинги касбини ташлаб, бор имконияти билан халқаро саёҳатларни ташкил этиш учун янги касбни ижод эта бошлади. Томас Кук замонавий туризмни Англиянинг икки шаҳри орасида амалга оширди. У «Temperake» (Яшил Ой) жамияти аъзоларининг Долнборг шаҳрида ичкиликка қарши кураш масаласига бағишланган анжуманга олиб бориш учун поездни ижарага олди. «Midland Railways» ширкати билан шартнома тузган Кук биринчи марта маҳсус бориш-қайтиш чипталарини бостиради ва Ланкастр-Долнборг орасидаги йўл саёҳатини энг такомиллашлган ҳолда амалга оширишга эришди.

2.Халқаро туризм бозорининг шаклланиши босқичлари ва унда туроператорланинг аҳамияти

Халқаро туризм бозорининг шаклланиши ва ривожланишига назар ташлайдиган булсак, бу борада Европаликлар томонидан бир қатор манбалар сақланиб қолган. Айниқса Рим Империяси замонидаги саёҳатлар қизиқарли бўлган. Эрамиздан 200 йил аввалги даврда римликлар Италиядан анча узоқда макон тутганлар. Кейинги 500 йилликда улар кўплаб ерларни ўзлаштира борганлар, шундай ерлардан бири Британия эди. Улар кемалар, от-араваларда ва пиёда саёҳат қилганлар.

Халқаро туризм бозори ривожланишида “Буюк Ипак Йўли”нинг аҳамияти ҳам жуда катта бўлган. Карвонлар билан бирга саёҳлар ҳам ўзга халқ урф-одати яшаш шароитлари билан кенг танишган. Замонавий бизнес туризми асосини ҳам айнан савдо карвонлари ва йўллари ташкил этади.

Ўрта асрларда туризм ривожланиши айниқса Европада тезликда ривожлана бошлади. Европадаги баъзи бир ривожланган давлатларда дунё бўйлаб саёҳатларга чиқиш кенг оммолашиб кетди. Улар асосан денгиз йўллари орқали амалга оширила бошланди.

20 асрга келиб транспорт турларининг тезликда ривожланиши туризмга таъсирини ўтказди. Саёҳатлар вақти ва уни амалга оширишда қулайликлар яратилди. Темир йўллар, автомобиллар, ҳаво йўлларининг ривожланиши туризмга катта муаффақиятларни олиб келди.

20 асрнинг 70 йилларидан кейин туризмга замонавий бозор муносабатлари ва техника технологиялар катта таъсир кўрсатди. Туризмда ахборот технологиялари кенг жорий қилинди. Замонавий туризм вужудга келди. Туризмда туроператорларнинг аҳамияти ортиб борди.

3. Туроператорлар ишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

Ҳарбийлашган келишмовчиликлар ва кенг миқёсда қуролли тўқнашувлар содир бўлаётган ҳудудлар

Террористик ҳаракатлар содир бўлаётган ҳудудлар

Жиноятчилик даражаси юқори бўлган ҳудудлар

Асосий муаммолар

Виза масалалари яхши йўлга қўйилмаган мамлакатлар

Экологик вазият оғир бўлган ҳудудлар

Маҳаллий аҳолининг туризм ривожланишига қарши ҳудудлар

Давлатлар бўйича туристлар ҳавсизлигининг таъминланмаганлик кўрсаткичи

Мамлакат	Таланган туристлар, %	Мамлакат	Ўғирлатган туристлар, %
Венгрия	5.9	Чехия	8.7
Польша	5.3	Гамбия	8.3
ЖАР	5.1	Польша	7.9
Марокко	3.0	Ҳиндистон	6.2
Гамбия	2.8	Марокко	6.1
Исроил	2.6	Тунис	5.1
Италия	2.2	Кения	4.9
МДҲ	4.3	Италия	3.1

4. Замолавий туризм индустрияси таркибининг ўзгаришига турсператорларни тайёрлаш

“Sustainable tourism”
(Қўллаб қувватланган туризм)

Аниматсион туризм

Экологик туризм

Туризм илмий тадқиқот институтини ташкил этилиши

Туризмни мукамал ривожлантириш назариясини ўзбек тилига ўгириб, “Мукамал туризм ғояси” деб номласа ҳам бўлади. “Мукамал туризм” иборасига изоҳ бериш учун Hansruedi Miller берган таъриф асқотади. Унинг фикрича, “табiiй ва ижтимоий мувофик келувчи туризм” деганда сифатий ўсиш стратегиясига эга бўлган туризмни тушуниш керак.



Туристларнинг талаб эҳтиёжларининг хилма-хиллиги жойида уларни қондириш учун кўплаб ресурслар ажратилишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида ресурсларнинг ҳолдан толдирилишига олиб келиши мумкин, бунинг устига, ҳеч бир жой бир вақтнинг ўзида хилма-хил туристларнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарлича ресурсга эга бўла олмайди.



Туризмнинг кўр-кўрона жадал ривожлантирилиши жойнинг атроф-муҳитга жиддий зарар етказиши мумкин. Машҳур маркетинг назариячиси Филипп Котлернинг таъкидлашича, туризмнинг жадал ривожланиши натижасида Таиланддаги бир неча ажойиб соҳиллар чиқиндихоналарга айланиб қолишган ва натижада маҳаллий ҳукумат ушбу соҳилларда тозалаш ишлари олиб боришга мажбур бўлган. Туризмнинг тартибсиз ривожлантирилиши хаттоки, туристик жойга тузатиб бўлмас зарарлар етказиши мумкин.